



**Шұхрат РИЗАЕВ,
адабиётшунос**

Туркистанда Ренессанс
– Уйғониш ҳодисаси
билин боғлиқ ҳолда
маърифатпарварлик
ғояларининг пайдо
бўлиши ва тарқалиши
масалаларидан баҳс
очилар экан, бу ҳодисанинг
илдизлари, аниқ
кўринишлари ва оқибатлари
ҳақидаги кенг ҳам ғоят
серқатлам тушунчанинг
ўзидан сўзни бошламоқ
лозимдир.

Үрта Осиё худудидаги маърифатпарварлик масаласига тўхталгандар, одатда мавзуни бундан ўн икки аср аввалги даврларга бориб боғлаш илмий адабиётларда одат тусига кирган. Ҳақиқатан ҳам бизда фоянинг илмий-назарий пайдо бўлиши ва амалий ҳаракатларни IX-XII асрлардан бошлаш тарихан далиллангандир. Ҳусусан, Шарқ Ренессансининг таркибий қисми бўлган Ўрта Осиё ўрта асрчилигида маърифат фояси энг етакчи фоялардан бири бўлиб қолди. Маърифат орқали инсонни камолотга етказиш, унинг ҳар жиҳатдан комил инсон бўлишини таъминлаш масаласи ва “Авесто” ва Ўрхун-Енисей битикларидан бошлаб “Қутадғу билиг”, “Ҳиббатул ҳақойик” ва Яссавий “Ҳикмат”ларигача бўлган қатор ёзма адабий манбалар, юзлаб диний ва фанний асарлар мисолида такомил йўлини босиб ўтди. Бунда маърифатпарварлик фояси маънавий-руҳий жараён сифатида ислом дини ақидалари билан муштараклашиб, инсонни ҳайвондан, тана ва нафс қуллигидан халос этиб, аввало, ботиний юксакликка ундади. Шуни тарғиб этди. Фоя ўса бориб, ўрта аср Ренессансининг юксак гуманизм ақидалари таркибига сингиб кетди, диний, фанний, фалсафий ва бадиий аспектларда идрок этилиб, ривож топди ҳамда темурйлар ва, айниқса, Навоий даврига келиб авж нуқтасига етди. Маърифатпарварлик фояси тасаввуфнинг муҳим таркибий йўналиши ўлароқ XIV-XV асрларда илмий-назарий ва бадиий жиҳатдан ҳар томонлама кенг талқин этилди. Аммо фоянинг кенг миқёсли, конкрет амалий тус олиш жараёни шундан сўнг то XIX аср 2-яримларига қадар бўй кўрсатмади.

XVI асрдан то XIX аср 2-ярмигача кечганд тарихий давр бу ижтимоий-сийе-



сий воқеликда нотекислик, ички низолар авж олган даврлар эди, бу шароитдағоянинг янада тараққый топиб, муайян амалий конкретлик касб этиши тарихан мумкин эмас эди. Қолаверса, шу давр учун ҳам маърифатпарварлик гоясининг етук назарий ифодаси Навоий қарашлари мисолида тугал бир намуна бўлиб сақлашиб колаётган эди. Чунки воқеликнинг ижтимоий-сиёсий тартиботларида, мафкуравий қарашларда жиддий ўзгариш рўй бермаган эди. XV асрлардаги феодал турмуш тарзи, қарашлар, муносабатлар ўз, ҳукмронлигини тўла сақлаб қолганди. Ва аксинча, у тартиботлар чиркин шакллар олиб, ўз таназзулига яқинлашиб бораётганди. Ана шу шароитда IX-XII асрлардан муайян тус олиб, XV асрда Навоий қарашларида такомилига етган маърифатпарварлик мафкураси ундан кейин XIX аср 2-ярмигача жиддийроқ ўзгаришга учрамади, аксинча, мавжуд қарашлар ичиди энг мужассами бўлиб, оралиқ уч ярим аср давомида яшаб ўтган зиёли на-мояндлари мисолида тақлидчиларини ва ижодий ўзлаштирувчиларини юзага чиқарди, хелсоз.

чиқарди, холос.

XIX асрнинг 2-ярмига келиб ижтимоий-сиёсий воқеаликдаги ўзгаришлар маърифатпарварлик гоясини ҳам муайян ўзгартиришларга учратди, асосан, унинг назариядан амалиётга алмашинувини белгилади. 1860-70 йилларда Россиянинг ўрта Осиёда ўз ҳукмронлигини тұла-

МАЪРИФАТПАРВАРЛИКДАН МАЪРИФАТЧИЛИККАЧА



XIX АСРНИНГ 90-ЙИЛЛАРИГА КЕЛИБ БУ ҚАРАШЛАРДА МУАЙЯН ЎЗГАРИШЛАР ЮЗ БЕРА БОШЛАДИ. ФУРҚАТНИНГ 90-ЙИЛЛАР БОШИДА ХОРИЖГА КЕТИШИ ВА УНИНГ ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИ БИЛАН ТАНИШУВИ, 1892 ЙИЛ ТОШКЕНТДАГИ “ВАБО” ҚЎЗГОЛОНИ, 1898 ЙИЛГИ АНДИЖОНДАГИ ДУКЧИ ЭШОН ВОҶЕАСИ КАБИЛАР МАЪРИФАТЧИЛАР ТУШУНЧАЛАРИДА КЕСКИН БУРИЛИШЛАР ЯСАЙ БОШЛАДИ.

ри билан белгиланади. Айни шу даврга келиб Туркистон маърифатчилиги илк давридан фарқли ўлароқ фақат феодал тузум асосларини илм-фан, маърифат орқали ўзгартириш, айрим янгиликларни жорий қилиш ва шу йўл билан ривожла- нишнигина мезон қилиб олмади, балки бу йўлларни жадал амалий изга солишига, феодал қолоқликка, чиркин урф-одатлар, бидъатларга қарши очик курашга ҳаракат қилди. Жаҳон “маърифатчилик даврлари” тажрибасидан маълумки, маърифатчи-

ликнинг энг бирламчи асоси феодал қолоқлик ва диний мутаассибликнинг инкор этилиши, жамиятда эркин, адолатли, маданий муносабатларнинг шаклланмонидан иборатdir. Бу йўлдаги энг асосий вазифа жамият аъзоларининг онгини қайта куриш, тушунча ва тасаввурларини ўзгартиришdir. Буни амалга оширишнинг асосий шарти илм-фан, турли дунёвий билимлар тарқатишdir.

Жадид маърифатчилари худди шу йўлдан бордилар. Бироқ уларни Фарбий Европа ва Россия маърифатчилигидан ажратиб турадиган хусусиятлари бор эди. Бу ўлканинг мустамлака шароити, истибати

дод хукмронлиги остида эканидир. Иккинчидан, Farbda, Европада маърифатчилик

листик асарлари майдонга келди. Уларда илму фаннинг янгича тараққиётига тимсол бўлиб турган Россия маданиятидан баҳраманд бўлишга ўз халқларини даъват этиш истаги ифода этилди. Оқибатда гоянинг амалий негизлари ривожланиши учун ҳам мафкуравий замин ҳозирланди. Аниқроқ айтганда, маърифатпарварлик ғояси маърифатчилик ҳаракатларининг яна қарор топишими кун тартибига кўя бошлади.

Фурқатда ғоянинг фаолият билан такомилга келиши “Туркистон вилояти газети”га хизматга кириши ва унда конкрет рус маданияти кўринишлари бўлган театр, кўргазма, гимназия, бал ва концерт намойишларига бағишлиб публицистик манзумалар яратишида кўринса, бошқаларида, масалан, Сатторхон, Сайдғани Сайдазимбой ўғли, Шарифхўжа, Муҳиддинхўжа қози кабиларда рус-тузем мактаблари очиш, уларда муаллимлик, ҳомийлик қилиш каби қатор амалий ҳаракатларда кўринди. Демак, маърифатпарварлик ғоядан, мафкурадан ташқари яна амалий ҳаракатлар тусини ҳам ола бошлади, у энди ростмана маърифатчилик тушунчасини қасб эта борди.

Хуллас, XIX аср 2-ярмига келиб маърифатчиликнинг янгилги даври юзага иштаги. Хар кандай тартибни жасондайни

варкори буни изоҳлаб, ўз вақтида бундай деган эди: “Жадид мактаби очишимиизга сиёсий ва маданий курашчилар тайёрлаш баҳоси берилмаганига таассуф билдирамай ўта олмайман. Наинки, биз жадид мактаби очиш билан савдо хизматчилиари, бошқача таъбир билан айтганда, дўконда ўлтириб насия ёзадурғон ходимлар етказсан”.

Шу тариқа маърифатчиликнинг жаҳон тажрибаси Туркия, татар ва озарбайжон муллымлари, матбуоти, театри ва ижтимоий-маърифий ҳаракатчилиги орқали кириб кела бошлади. Ўн-ўн беш йил орасида Туркистонда “усули жадид” мактаблари очилди, миллий матбуот шаклланди, хайрия жамиятлари ташкил этилди, Европача театр туғилди, “Шарқ кечалари” миллний концерт ва адабий ўқишилари уюштирилди, том маънодаги янгича адабиёт майдонга кепди. Давр матбуоти ва бошқа қатор манбалардан маълум бўлишича, Қrimda жадидчилик ҳаракатининг отаси Исмоилбек Гаспирали тажрибалари асосида “усули савтия” мактаблари очиш бошланғич паллада ғоят кенг тус олган. Туркистоннинг Тошкент, Самарқанд, Кўқон, Андижон, Наманган, Бухоро, Хўжанд каби шаҳар-



даврлари узок ўн йилликлар ва ҳатто юз йиллаб давомийликда кечган бўлса, ижтимоий-сиёсий ва тарихий шароит Туркистон маърифатчиларини фавқулодда вазиятлар гирдобига тортиб, шитоб билан шиддатли ҳаракат қилишга мажбур этмоқда эди.

Жадид маърифатчилари Россиянинг сиёсий бўхронлари, империалистик урушлари шароитида мустамлака юртнинг тарих майдонига чиқсан эдилар. Газиқ ва таъқиблар кучайган, буюк рус

шовинизми авж палласига күтарилигандын бир замонда сиёсий жадал ҳаракат учун имконият йўқ эди. Қолаверса, феодал тартиботи ижтимоий ҳаётдан то оддий туркистонлининг маший турмушигача ўраб-чирмаб ташлаган бир шароитда сиёсий мақсадлар ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Бу мақсад жадид зиёлиларининг кўнгил тубида вақт-вақти билан ёлқинланиб турса-да, юзага чиқиши ҳам объектив, ҳам субъектив сабабларга кўра муқаррар ҳалокатга олиб келишини улар яхши тушунардилар. Ватанини озодликка, миллый мустақилликка етаклашдек муқаддас ғоя энг илғор қарашли жадид зиёлилари фикрида бўлгани ҳолда, мавжуд шароитда унга етишув мумкин эмас эди. Унга фақат узлуксиз маърифий фоалият, маърифий-маданий ўзгаришлар ва миллият онгини тайёрлаш билангирина эришиш жадид маърифатчилигининг моҳиятини белгилади.

Тошкент жадидларининг отаси Мунав-

ларида шу кезлар етмишдан ортиқ шундай мактаблар ишлаб турди. “Тужор”, “Шұхрат”, “Тарақкий”, “Хуршид”, “Осиё”, “Самарқанд” газеталари, “Ойина”, “Ал-ислох” журналлари нашр этилди. “Турон”, “Ғайрат”, “Зарафшон”, “Умид”, “Тарбия атфол” жамият ва нашриёт ширкатлари юзага келди. Тошкент ва Самарқандада мунтазам, Құқон, Наманған, Андижон, Бухорода мұваққат театр труппалари спектаклар намойиш этишга киришди. Хуллас, маңырғиім-маданий ҳәёт фавқу-

лодда шитоб билан юксалиб борди.

1914 йил Биринчи жаҳон уруши ва Россиянинг бу урушда иштироки мустамлака ўлкаларда маърифий-маданий ҳаракатлар билан анча етилиб қолган миллний онгни ижтимоий-сиёсий масалалар доирасига тортди. Жадидларнинг илғор қисми илк паллаларда кўнгилда нишурган орзуларининг амалиёти учун муайян шароит пайдо бўлаётганини сеза бошладилар. Улар ҳаракати жадаллашди. Жадид матбуоти намуналари бўлган “Ойина”, “Садойи Туркистон”, “Садойи Фарғона”даги маърифий мавзудаги материаллар ижтимоий долзарб мақола, бадиий асар ва хабарлар билан алмашина борди. Беҳбудий, Мунавваркори, Убайдулла Хўжаев, Абдулла Авлоний, Фитрат, Ҳамза, Сиддикӣ-Ахజий, Ҳожи Муъин, Тавалло, Чўлпонларнинг қарашларидаги ижтимоий фаоллик публицистик чиқишлар ва бадиий асарларида равшан кўрина бошлади. Шу тарзда мустамлака Туркистон

маърифатчилик даврининг иккинчи босқичи охирлаб, кейнги ривожланган, юқсақроқ босқичга ўта борди. 1916 йил июнь ойларида бошланган мардикорликка қарши исёнлар маърифатчиликнинг сиёсий маслак ва интилишлари билан омихталашиб кетган учинчى босқичини юзага чиқарди.

Учинчى даврга келиб сиёсий максадлар ошкора тус олди. Бу жараёнга зиёлидан тортиб руҳонийгача, бойдан камбағал хунармандгача —жамиятнинг барча табақалари кенг жалб этилди. Россияда 1917 йил февраль инқилоби юз бериши эса жараёнга янада шиддат бағишлиди. 1917 йил февралидан 1918 йил февралигача бўлган давр жадид маърифатчилигининг сиёсий манфаатларини, маслак ва мақсадларини амалга ошириш учун шароит пайдо қилди. Гарчи бироз эрта пайдо бўлган шароит эса-да, уни кўлдан чиқариб бўлмас эди. Воқелик Туркистон учун ҳаёт ва мамот масаласини кун тартибига қўйди. Худди шу жараёнда жадид маърифатчилигининг умумиллий тарихида кучларнинг кескин ажрашуви, бўлинеш содир бўлди. Бу маърифатчиликнинг иккинчи босқичида умумият касб этган турли социал табақаларнинг сиёсий тушунчаларидаги ва ҳатто ижтимоий келиб чиқишидаги хилма-хилликтинг бехосдан юзага чиқиши билан белгиланадиган ҳолат эди. Маърифатчиликнинг 2-босқичи, яъни 1900-1916 йилларда жадидлар ҳаракатида жамиятдаги барча табақаларнинг илғор фикрли вакиллари иштирок этгани кузатилади. Унда бадавлат, мулкдор кишилардан тортиб (Сайдносир Миржалилов, Файзула Хўжаев, Пўлатбойвачча Зокиров, Нўширавон Ёвшев, Обиджон Махмудов, Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон, Акобир Шомансуров) зиёли муаллим ва майда савдогарларгача (Беҳбудий, Мунавварқори, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодир, Сиддиқий-Ахмад, Ҳожи Муъин каби қатор жадидлар яна маориф ва матбуот ишларига берилдилар. Маърифатчиликнинг сиёсий маслаклар билан узвийликдаги маънавий тамойиллари, айниқса, фоят юксалган бир тарзда бадиин ижод намуналарида яққол намоён бўлди. Чунончи, Фитрат драмалари, Абдулла Қодир ишлари, Чўлпон ижоди мулоҳазаларимизнинг аниқ исботидир. Улар асарларида миллатнинг истибоддан холос бўлиши фояси марказий фоя бўлиб, ўзининг бетакор бадиий инъикосини топди. Гоҳи ошкора ва аксарият пинҳоний, тагматнларга, рамзларга сингдирилган ҳолда ифода этилди. Назаримизда, маърифатчиликнинг сиёсий маслаклар билан уйғунлашган кўриниши 20-йилларда етакчи, устувор ҳодиса бўлгани ҳолда 1929 йилдаги илк жисмоний қатағонлар билан якун топди. Маърифатчилик кейинги ўн йилликларда бошқа фоя ва мағкуравий ҳодисалар билан ёнма-ён, гоҳида бағоят заифона бир тарзда давом этиб келди. Маърифатчиликнинг тамомила ўзига хос кейинги босқичини республикамиз мустақиллиги эълон этилган давр (1991 йил) билан ён чегаралашимиз мумкин. Чунки мустақил давлат барпо этилгач намоён бўладиган маърифатчиликнинг мақсад ва вазифалари ён ўзгача бўлади.

эдилар. Жадид маърифатчилиги билан уларнинг дунёқарашларида келишишиб бўлмайдиган муросасиз низолар илк паллаларда ёк шаклланиб, 1917 йилгача гоҳ у, гоҳ бу тарзда давом этиб келди. Факат 1917 йил ўрталарига келиб бу зиддият ошкора душманлик тарзида кечди. Бунга Мустафо Чўкаев қўйидагича гувохлик беради: "... бутун ўлка ахолиси ахвол-руҳиясига таъсир этмоқки бўлган

аҳвол-рухиясига таъсир этмоқчи булган икким мухим ташкилот — “Шўрои Исломия” (жадидлар) ва “Уламо жамияти” (қадимчилар) бир-бирига қарши шиддатли курашмоқда эди”. Жадидчиликка доир аксарият кейинги илмий тадқиқотларда “жадид” ва “қадим” масаласи ёритилар экан, унинг моҳиятини теран англамай жўнлаштиришга мойиллик кўзга ташланади. Ваҳоланки, жадид тараққийпарварлари қарашла-рини аниқ тасаввур этиб, кенг ижобий таъкидлаган бўламиз.

Зеро, бу табиий ҳол. Чунки ижтимоий Уйғониш асосан маърифатпарварлик ғояси ва маърифатчилик ҳаракати замира-да рўй беради ва юзага чиқади.

Эндилиқда атоқли файласуф олим Абдураҳим Эркаев ёзганидек, “ҳар жабҳа-да, соҳада қиласидаги ишларимиз, режаю истиқбол дастурларимиз, таълим-тарбия ва кадрлар сиёсати, инвестицион сиёсат — барчаси унга шароит ва муҳит яратишига қаратилмоғи керак”.

